



БИЗНИНГ СУҲБАТ

# ТАРТИБСИЗ ЮРТ — ДАРВОЗАСИЗ ҚЎРҒОН

Утган 1991 йил кўҳна ўзбек тупроғи тарихида, тош келса кемирадиган, сув келса симирадиган бардошли халқи ҳаётида ўтмас из қолдиради. Салкам бир ярим аср муқаддам тарқоқлигимиздан, ноаҳиллигимиздан фойдаланиб, босқинчилар бўйнимизга ташлаган зулм сиртмоғидан қутулдик. Энди саҳоватли диёримиз ноз-неъматлари, бебаҳо бойликлари ўз эгасини топди. Улус сайлаган Президентимиз ва ҳукумат нодир ҳазинамизни фаровонлигимизни ошириш учун сарфлашга қаттиқ бел боғлаган. Бу ҳаракатнинг замирида шу кунгача ўзи оч бўлсада, ўзи юшун бўлсада, бошқаларни едириб-ичирган, кийинтирган одамларимиз касасини оқартиришдек эзгу мақсад ётибди. Бироқ қозонни бошқа қилиб, ўзимизча рўзгор тебратишимиз кимларгадир маъқул тушмаётир. Бунга 16-17 январь кунлари Талабалар шаҳарчасида юз берган воқеалар ва шу муносабат билан бегўтов тарқатилган ёлгон-яшиқлар, миш-мишлар яққол далолатдир. Мухбиримиз мамлакат ички ишлар вазирни ўринбосари милиция генерал-майори Гафур Раҳимов билан бу ҳақда суҳбатлашди.

— Мухтарам Гафур Раҳимович, келинг яна бир бор ўша кунги воқеага қайтсак. Наҳотки, унинг олдини олиш мумкин эмасди?

— Мелодий ҳисобидаги янги йилга ҳаммамиз қўтулур режалар билан қадам қўйдик. Ички ишлар идоралари ходимлари ҳам озодлик нашидасидан масрур юртимиз осойишталиги, тинчлигини сақлаш, жиноятчилик томирини қирқиб мақсадида энг шимаришганди. Шундай пайтда Талабалар шаҳарчасида дилсизлик юз берди. Ўша кунлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, мамлакат ва шаҳар фаоллари, ҳурматли оқсоқоллар, турли фирқалар вакиллари талабалар ҳузурида сўзга чиқиб, уларни оғир-вазмин бў-

лишга, ақл-идрок билан иш тутишга чақирдилар. Лекин 16 январь куни вазият ўта кескинлашди. Пойтахтнинг белгиланган жойларида жиноятчиликка йўл қўймаслик бўйича хизмат бурчини ўтаётган милиция ходимларини чақириб зарурати туғилди. Чунки ёшлар ҳақли эътирозларини шаҳарчада намойиш этиш ўрнига Мустақиллик майдонига қараб отланишди. Воқеалар тизгинини қўлдан бой бермаслик учун зарурий чоратadbирлар кўришга тўғри келди. Ахир, тасаввур қилинг, бир неча минг кишилик жунбушга келган ёшларнинг қатнов гавжум кўчалар бўйлаб юришини. Бир неча соат ичида йнғилган талабалар сони 400-500 кишидан 10-12 минг кишига етди.

Энди саволингизнинг иккинчи қисмига тўхталсак. Сиёсий эркин эга бўлиш бир азоб экан, иқтисодий кишандан халос бўлиш эса ундан минг чандон ортиқ. Россияда нархлар қўйиб юборилгани бизда ҳам акс-садо бермасдан қолмади. Шунда ҳам Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати бозор иқтисодиётига ўтишда халқнинг энг ночор қисми ҳисобланган талабалар, нафақадорлар, кам даромадли оилаларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида қатор чораларни кўрмоқда. Президент ҳозирча ягона иқтисодий ҳудуд сақланиб турган собиқ иттифондаги танглик туфайли бизни оғир кунлар кутаётганини очиқ-ойдин айтиб ўтди. Мутлақ кўпчилик буни тўғри тушунди.

Ички ишлар идораларида қирқ йилдан зиёд хизмат қилдим. Қандай воқеалар гувоҳи бўлмадим, дейсиз? Толиби илмларимиз ҳар хил қўтуқларга учмасдан ўринли талабаларни биронга олий билимгоҳ залига тўплашиб, ректорлар ёки тегишли даражадаги раҳбарлар олдига қўйишганда, олам гуллистон эди. Агар уларнинг фикрига қўлоқ осимасам, бу бошқа гап. Кимгадир нон етмасам, кимдир купон олмасам бўлса, бошқасига стипендия тегмасам, ҳе йўқ, бе йўқ кўчага отилавериш керакми? Тош отиш, ўқ узиш, ур-тўполон қилиш билан муаммо

ечилмайди, аксинча ярагазак олади, Олди ҳам.

— Қизиқонлик, ишонувчанлик ёшлар табиати-га хос. Сиз ўзингиз ҳам талаба бўлганмисиз?

— Шарқона тарбияга ўт қўйиб, алангасида ўзимизнинг жизғанагимиз чиқмоқда. Имондан, диндан, урф-одатдан жудо қилинган фарзандларимиз на ёши улугларга, на эл оқсоқолларига қўлоқ солишади. Мен ҳам талабалик тузини тотганман. Билмадим, биз тортинчоқ бўлганмизми, домлалар юзига тик қарашга ботинолмасдик. Кейин уруш уқубатлари ҳали қотмаган елкамизга тушди. Заборний-сига берадиган 400 грамм нон учун оёғимиз остига яшиқ қўйиб, 14-15 соатлаб дастгоҳда фронт учун маҳсулот тайёрлардик. Келажакка ишонч, яхши кунлар бўлишига умидворлик куч-қувват бағишларди бизга ўшанда.

— И. Каримов сайлов-олди йнғилишларида ҳам эртамик ёруғ эканлигини кўп таъкидлаган...

— Биласизми, мен у кишининг кўпгина сайловолди учрашувларида қатнашдим. Сўзларидаги қатъиятлик ёқди. Режаларидан яхши хабардорман. Бор имкониятни сарфлаб, бой ўлка фуқаролари дастурхонининг тўқислигини таъминлаш. Бунга замин яратиш керак. Ана шулардан бири юзлаб ёшларимиз-

(Давоми 4-бетда).

Утган йили ички ишлар идоралари ходимларига нисбатан содир этилган ҳуқуқга хилоф ҳатти-ҳаракатлар сони 5623 тага етди. Хизмат бурчини ўташ пайтида 42 нафар милиция ходими ҳалок бўлди, 95 нафари тан жароҳати олди. 42 нафар ходимга суиқасд қилинди. Бу ҳодисаларнинг барчаси бўйича жинорий иш қўзғатилди.

Кейинги пайтда Ўзбекистон ИИВ ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза бўлимига вилоятлар ИИБлари, ички ишлар идораларининг айрим ходимларидан 1990 йил 31 октябрдаги қонунга мувофиқ суғурта пули тўлаш тартиби, жароҳатланган, шикастланганда ва ногирон бўлиб қолганда бериладиган суғурта пули миқдори ҳақида сўралган саволлар тушмоқда.

1990 йил октябрда Ўзбекистон Олий Кенгаши қабул қилган «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги қонун кучга кирди. Мазкур қонуннинг 3-бандида милиция ходимларига берилган имтиёзлар санаб ўтилган. Турар-жой тақсимоти, хонадонларга телефон ўрнатиш, барча улов воситаларига навбатдан ташқари патта олишда, шунингдек, бошқа ижтимоий-مائий таъминот жасалаларини ечишда им-

тиёзли ҳуқуққа эга бўлиш билан бир қаторда милиция ходимининг ҳаёти тегишли бюджет маблағлари ҳисобидан давлат суғуртасидан, албатта, ўтказилади.

Бу тартиб ССЖИ Вазирлар Кенгашининг 1990 йил 30 декабрдаги 1393-рақамли қарори билан

ҲУҚУҚИИ МАСЛАҲАТ

## СУГУРТА ПУЛИНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

ҳам мустаҳкамланди. Қарорда юз бериши мумкин бўлган ҳолатлар (ўлим, яраланиш, хизмат пайтида касалланиш)дан ички ишлар идоралари оддий ходимлари ва бошлиқлар таркиби давлат томонидан шахсий суғурта қилиниши шартлиги ёзиб қўйилган. Ана шу тартибга мувофиқ оғир яраланган, шикастланган, жароҳатлангандан сўнг милиция ходимига 1 минг сўм, энгил яраланса, 500 сўм тўланади. Олинган жароҳат туфайли ходим хизматдан бўшамаётган бўлса ҳам, суғурта пули берилверади.

Олинган жароҳат ёки касаллик туфайли ногирон бўлиб қолса, давлат суғуртаси идоралари томонидан кўрсатиладиган мод-

дий ёрдам миқдори ҳам ошади. 3-гуруҳ ногиронларга 5 минг, 2-гуруҳга 10 минг, 1-гуруҳга 15 минг сўм пул тўланади.

Милиция ходими вафот этган тақдирда, унинг оиласига 25 минг сўм пул берилиши шарт.

Бўлимимизга 1991 йил 1 январига қадар хизмат

январига қадар жароҳатланган ёки касалланган бўлсада, ўтган йили саломатлиги ёмонлашиб, унга ногиронлик берилса ёки вафот этса, суғурта пули тўланади.


Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, давлат суғуртасининг янгича қўрилиши суғуртачилик фаолиятини кенг ҳажмда олиб боришни кўзда тутди. Суғурта пуллари нафақат хизматни ўташ пайтида юз берган, балки ҳар қандай сабаб билан, шунингдек, мائий жароҳат оқибатида ногиронлик ёки ўлим рўй берса ҳам тўланаверади.

Суғурта пули берилиши учун зарур бўлган ҳужжатларни тўлғазиш тартиби ишлаб чиқилган. Масалан, суғурта тўловини олиш учун ҳарбий-тиббий даражаси ҳақида тасдиқнома тақдим этилиши, тўлов берилиши тўғрисида ариза ёзилиши керак. Тўловни мурожаат қилингандан сўнг бир ҳафта давомида бевосита яшаш жойи бўйича давлат суғуртаси назоряти амалга оширади.

Бу борадаги айрим аниқлашловчилик ва камчиликларни тугатиш учун шахсий таркиб билан ишлаш хизмати ходимлари давлат суғуртаси идоралари билан алоқани кучайтиришлари керак.

С. КОЗЛОВ,  
милиция подполковниги.

Агар ходим 1991 йил 1



Дилмурод Қибрай тумани ИИБда 1991 йилнинг сентябрь ойидан буён ишламоқда. Шу қисқа вақт ичида у ўзининг тиришқонлигини, меҳнатсеварлигини кўрсатиб улгурди. Аста-секин тажриба ортириб бормоқда. Бу йил Тошкент олий милиция мактабига сиртдан кириб ўқиш ниятида.

СУРАТДА: милиция кичик лейтенанти Д. Абдулҳақов қонунбузарнинг бармоқ изларини олмоқда.

А. НАЙМУШИН  
олган сура.

## ҚОЧИШНИ АФЗАЛ КЎРДИ

Утган йилнинг 7 декабрь куни Тошлоқ туманининг энг чекка қишлоғида автофалокат содир этилди. Чек қишлоғида истиқомат қилувчи Раҳмат Орипов ўзининг «Волга»сида пиёда кетаётган Қурбон Мамадалиевни уриб юборди. Бир неча метр ўтиб кетиб тўхтади ва жабрланувчига нима бўлганини билиш мақсадида машинасини орқага тисарди. Аммо кўрмай қолиб, уни иккинчи мартаба босиб ўтди.

Пастга тушиб, бутун вужудидан совуқ тер чиқиб кетди. Энди ўзини суд ва темир панжара билан ўралган ҳаёт кутаётганини билди. Мамадалиевга ёрдам кўрсатиш ўрнига қочиб қолишни афзал кўрди.

Туманда телефон хизмати ёмонлигидан милиция таъминан икки соатлардан кейингина воқеадан огоҳ бўлди. ИИБ бошлиғи ўринбосари А. Тошхўжаев ва ДАН ходимлари етиб келишганда, вақт бой берилганди. Тўқнашув жойидан машина чирокларини тўқилган бўёқларни топишди, холос.

Аммо Раҳмат Орипов узоққа қочиб кетолмади. Эртаси кунинёқ ИИБга келтирилди.

— Ўзингиз жароҳатлаб, яна ташлаб кетишга виждонингиз қандай чидеди? Агар уни вақтида шиғохонга олиб борганингизда, 4 нафар болалари чирқиллаб қолишмасди.

Қочоқ ҳайдовчи лом-мин дая олмади.

И. АЗИЗОВ,  
милиция катта лейтенанти.







# ТАРТИБСИЗ ЮРТ — ДАРВОЗАСИЗ ҚЎРҒОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

ни чет элларга жўнатиб, миллати равнақи йўлида ҳеч нарсани аямайдиغان малакали мутахассислар тайёрлашдан иборатдир. Лекин Президентликка даъвогар ҳар чиқишида бир шарт қўяди: «Фақат эндигина мусаффо бўлган юртимиз осмонига гард юқмасин. Осийшталик, тинчлик сақлансин, тартиб-интизом бўлсин. Қолганини менга қўйиб беринглар». Наҳотки, фаровонлик йўлида тиним билмаётган ва сайловда 86 фоиз овоз олган давлат бошлиғидан истеъфога чиқиши талаб қилинганга, кўчага чиқиб тош отишга нон етмагани асос берса! Қадрга эмас, қоринга йиғлайми? Бундай ноаҳилликда, энг зўр режалар ҳам пучга чиқаради-ку! Қўйлаб хорижий сармоядорлар ҳам Ўзбекистонни тинч давлатлардан бири сифатида катта-катта маблағлар сарфлаш ниятида юрибдилар. 50 дан зиёд мамлакат бизни тан олди. Уша ноҳўя ҳодиса Ўзбекистон нуфусига урилган зарба бўлди.

— **Ғафур Раҳимович, фикрингизча, милиция билан талабалар ўртасида нима сабабдан тўқнашув рўй берди?**

— Мен бутунлай талабаларни айбаш фикридан йироқман. Лекин вазир ўринбосари эмас, балки 21 миллионли халқнинг бир фарзанди сифатида баъзи нарсалар ҳайрон қолдиради. Ақлим лол, дилим вайрон. Нима учун милицияга қўлга кирган тош, темир парчалари отилади, юқори қаваглардан ҳар хил буюмлар ташланади, на замонавий ахлоқ-одобга, на мусулмончиликка сифадиған ўта қўпол ҳақоратлар ёғдирилади? Ке-

линг, дўпини бошдан олиб, мулоҳаза юритайлик. Милиция ким ўзи? У ўзга сайёрадан келган ғайритабиий мавжудотми ёки кимнингдир ўғли, кимнингдир отаси, кимнингдир ака-укаси? У ҳам шу халқ фарзанди-ку! Уша кунни тош отаётган талабаларнинг қариндош-уруғлари орасида ёнгина милиция либоси осганлар йўқ дейсизми?! Афсуски, кўпчилик, айниқса, айрим ойнома-рўзномалар «милиция» сўзига мавҳум маъно юклаб, юрт қўрғонда дарвозабонлик қилаётганларни халқдан узоқлаштириб юборишмоқда.

16-17 январь кунлари милиция ходимлари Талабалар шаҳарчасига шахсий манфаат дардида, ёғлик палову селли кабоб тановул қилиш ниятида бо-ришибди? 4-5 соат давомида тинчлик сақланиши кераклиги ҳақида тушунтириш билангина шуғулланишдику улар. Бировга қўл кўтаргани йўқ. Жанжал, низо гулханида исинмоқчи бўлганлар талабалар қўлига тош тутқазишди. Оқибатда тўқнашув юз бериб, унинг аксадоси ҳали қанчадан-қанча ғамзада дилларда янраб туради.

— **Баъзан милицияни йўқотиш керак, деган гап-сўзлар ҳам қўлоққа чалиниб қолади. Бир кунимизни милициясиз тасаввур қилиш мумкинми?**

— Зиммасига зигирча масъулият юки тушган шахс борки, бу саволингизга: «Йўқ!» — деб жавоб беради. Бунга шакшубҳасиз аминман. Қуруқ қошиқ оғиз йиртар, дейдилар. Мисолларга мурожаат қилайлик. 1991 йили милиция ходимлари жиноят содир этишда айбланаётган 60 мингдан зиёд шахсни ушлашди. Улар-

дан 7 минг нафарга муқаддам судланган. 7 мингга яқин қурол-яроғ тортиб олинди. Бу қуроллардан отилиши мумкин бўлган ўқлар юзлаб хонадонлар остонасидан кулфатни хатлатиши ҳеч гап эмасди. Тортиб олиш пайтида эса айнан милиция ходимлари ҳаётларини (уларда ҳам жон битта) хавф остига қўйишди-ку!

Бултур 4 мингдан ортиқ бедарак йўқолганлар қидириб топилди, яқинлари бағрига қайтарилди. Бу минглаб хонадонларга шодлик, хурсандчилик қайтди, дегани эмасми, бу минглаб хонадонлардан ташвиш ариди, дегани эмасми?! Холбуки, битта одамни излаш учун ўнлаб шаҳарлар кезилади, ҳар ким ҳам қадам босишдан ўзини тиядиган жойлар кўздан кечирилади. Ахир, буни милиция ходими қилмасдан ким қилапти?!

Енгин пайтида юзлаб фуқароларни, гўдакларни ажал домидан қутқариш учун ўнлаб ходимлар жонларини аяшмади. Бу талофатлар ким учун берилди? Утган йилнинг ўзидан 42 нафар ходим жиноятчилар билан олишувда ҳалок бўлди. Ҳамма қатори онласига, бола-чақасига, ёр-биродару уруғ-аймоғига эга ходимлар йигит ёшида оламдан ўтишди. Бў қурбонлар ким учун аталган? Хуллас, қайси юрт борки, ўзида тартиб бўлиши учун милициями, полициями, миллий гвардиями яратади. Зеро, тартибсиз юрт — дарвозасиз қўрғон. Қачонки, қотилу каззоб, ўғриқ муттаҳам, зўравону фирибгар қолмаса, милиция ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади.

— **Ғафур Раҳимович, нима бўлганда ҳам, Талабалар шаҳарчасида ўқ узилди, қон тўкилди, ик-**

ки навқирон йигит нобуд бўлди (худо раҳмат қилсин уларни). Текшириш қандай бормоқда ҳозир?

— Узингизга маълум, фожиа сабабларини ўрганивчи ҳукумат комиссияси тузилган. Унга бош вазир А. Муталов раҳбарлик қилмоқда. Шу билан бирга прокуратура ҳам жинорий иш қўзгаган. Воқеанинг бор тафсилоти аниқланади. Кимга керак эди жанжал чиқариш? Ким биринчи ўқ узди? Айбдор кишилар адолатли суд олдига, қайғуга тушган юрт олдига жавоб бериши зарур.

— **Ўртоқ генерал, кенг жамоатчиликни ташвишлантираётган иккита савол ҳар қандай учрашув, суҳбат марказига чиқмоқда. Ким талабаларга қарата ўқ отишга буйруқ берган? Нега милиция яраланган ходимлари билан журналистлар суҳбатлашишни истамаяпти?**

— Амалдаги қонунларга мувофиқ милиция оммавий тартибсизликлар пайтида, милиция ходими ва фуқаролар ҳаётига хавф солинаётганда, ўқотар қуроллардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Шу ўринда яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Қуролни ишлатиш ҳақида на ҳукумат, на вазирлигимиз раҳбарлари томонидан буйруқ берилмаган. Бу жойдаги мураккаб вазиятдан келиб чиқиб, мажбуран кўрилган чора бўлди.

Тўс-тўполонда талабалар билан бир қаторда милиция ходимлари тан жароҳатлари олишди. Мен ҳозир рақамларни қайтариб ўтмоқчи эмасман. Касалхонадаги ярадор билан суҳбатлашиш мумкинлигини ички ишлар вазирлиги эмас, бевосита даволовчи табиб ҳал қилади. У руҳсат бермаса, журналист

туғул терговчи ҳам бундай учрашувдан маҳрум бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, кекса милиция ходими сифатида, ҳар ҳолда оқу қорани таниган ёши улур киши сифатида юртдошларимга мурожаат қилмоқчиман. Қадрли ота-оналар, хурматли ака-укалар, опасингиллар! Халқимиз бир кун жанжал чиққан хонадондан қирқ кун барака қочади, деб бежизга айтмаган. Ўзбекистон дунёдаги барча ўзбеклар учун кўзга тўтиёдек суриладиған катта ва ягона хонадон. Унинг равнақи аҳилликда. Тарихий машъум хатолар такрорланмаслигини истардим.

Юртимизга шундоқ ҳам кўз тиканлар кўп. Шундай пайтда қўлни қўлга бериш ўрнига ғавғо, жанжал кўтариб юрсак, мустақиллигимизга ўзимиз чуқур қазиган бўлмайми? Хонадонимиздан баракани қочириб, яна қандайдир оғалар қўлига қараб, ўтиб кетадиган оғир кунларимизни чўзиб юбормайми?

Бу билан мен чурқ эмаслик керак, демоқчи эмасман. Бироқ ҳар қандай талабни қонун асосида қўйиш мумкин-ку! Тинчлик, мурося билан исталган муаммо ечимини топади. Тош отиш, оммавий тартибсизликлар эса бошқа йўлга бошлайди. У йўлнинг охирида синиқ тақдирлар ётади. Чунки ҳуқуқий давлатда ҳар қандай ҳуқуқбузарликка тегишли жазо чораси белгиланган. Не-не умид билан ўқишга жўнатган фарзанди олий маълумот ҳақидаги диплом ўрнига уйга бошқа нарса кўтариб келса, отаона қандай аҳволга тушади? Ахир, эслаб кўринг-а. Арзимас нарсалардан бошланган Наманган, Андижон воқеалари қанчадан-қанча кишиларнинг озодликдан маҳрум этилиши билан тугади.

Суҳбатдош  
Ғайрат БОЛТАБОВЕВ.

## ТИЖОРАТМИ, ХИЁНАТМИ Ё ҲАҚОРАТ?

Тилимиз кейинги биринчи йилда бойиди. Луғатимизда бўлган, лекин кўп йиллар ишлатилмай ётган қатор сўзлар истеъмолга сингиб кетди. Шундай сўзлардан бири — ТИЖОРАТ. Аслан бу сўз савдо-сотик билан боғлиқ маънога эгадир. Яъни, қадим-қадимдан аждодларимиз ўлкама-ўлка, шаҳарма-шаҳар кезиб, ўзларида мўлк-қўл бўлган буюмларни бегона юртга элтганлар ва у ёқлардан ўз эли учун зарур бўлган турфа ашёларни келтириб, одамлар эҳтиёжини қондиришган. Бу касб эгалари ТОЖИР деб аталганлар.

Биз кейинги вақтларда анъаналаримизни тиклаш борасида хайрли ишларга бел боғладик. Бироқ минг

афсуски, қош қўяман деб, кўз чиқариб, ота-боболаримиз руҳини чирқиратмоқдамиз, уларнинг табарруқ руҳларини ранжитмоқдамиз. Бундай аҳволни пештоқига «ТИЖОРАТ» деб ёзиб қўйилган ҳар бир дўконда кўриш мумкин. Тижоратчилар халқнинг ҳожатини чиқариш ўрнига шундоқ ҳам хонавайрон бўлиб ётган аҳолини купшукундуз куңи, яна қонуний қилиб, таламоқдалар. 1 шиша «Тошкент» минерал суви — 1 сўм 24 тийин; 1 шиша «Пепси» — 4 сўм 25 тийин; 1 шиша «Пойтахт» ароғи — 84 сўм 50 тийин; 250 грамм асал — 25 сўм; 1 литр узум шарбати — 6 сўм 88 тийин; «Ўзбекистон» торти — 35 сўм; «Нилуфар» торти — 38 сўм 18

тийин ва ҳоказо. Ваҳоланки, буларнинг ҳаммаси шу Тошкент шаҳрининг ўз маҳсулотлари бўлиб, «Тижорат»чи юлғучлар буларнинг бирортасини чет элдан ёки қўшни вилоятдан олиб келмаганлар. Хўш, энди ўзингиз ўйланг. Бу-ни-ма? Тижоратми ёки халққа хиёнатми? Ёки оч-юпун одамларга нисбатан ҳақоратми? Менимча, кейинги иккитаси.

Дилмурад САИДОВ,  
журналист.

СУРАТЛАРДА: «Тижорат» деб номланган озиқ-овқат дўконларидан биридаги манзара ва оддий дўконлардаги аҳвол. Хулосаси ўзингизга ҳавола.

Даврон АҲМАД  
олган суратлар.



## Олланазар ЖУМАБОВЕВ



гач, меҳнат фаолиятини шу тумандаги ўрта мактабда ўқитувчиликдан бошлади.

1969 йилдан бошлаб умрининг охирига қадар ички ишлар идораларида хизмат қилди.

Қаерда ишламасин, ўзининг ҳалоллиги ва тўғри-сўзлиги билан ажралиб турди. Беруний туманининг ҳудудидаги ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда фаол иштирок этди. Туман Кенгаши ноиблигига сайланди. «Меҳнат фахрийси», учала даражали «Бенуқсон хизматлари учун» медаллари, «ИИБдаги аъло хизматлари учун» кўрак нишони билан тақдирланган.

Олланазар Жумабоевнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ЖУМ-ХУРИЯТИ ИИБ ШАХСИЙ ТАРКИБИ.

Қорақалпоғистон Жумхурияти ИИБ махсус комендатураси бошлиғи милиция подполковниги Олланазар Жумабоев 1992 йил 23 январь кuni бевақт оламдан кўз юмди.

О. Жумабоев 1940 йил 2 сентябрь кuni Беруний туманида туғилди. 1967 йилда давлат жисмоний тарбия олий билимгоҳини тугалла-

## МАРҲУМАНИ ТАНИЙСИЗМИ?

1981 йилнинг 1 июлида Самарқанд вилоятидаги Советобод туманининг «Катта-қўрғон» давлат хўжалиги ҳудудида тахминан 35-45 ёшлардаги номаълум аёлнинг мурдаси топилди. Орадан шунча вақт ўтиб ҳам унинг шахси аниқланмади.

Мурданинг ёнидан 30x70 сантиметрли ҳажмдаги қизил гулли қора рўмол, четига сунъий қоракўл тикилган кўк бахмалдан тайёрланган енгсиз аёллар кийими,

яшил гулли қизил штампелдан тикилган аёллар миллий кўйлаги, қизил рангли, оқ ва кўк гулли аёллар миллий кўйлаги, қизил рангли аёллар миллий позими, қора рангли аёллар пиджаги, 2-размерли ковуш, оқ тош ва сариқ металлдан тайёрланган узук топилган.

Юқоридаги буюмлар кимга тегишли эканидан хабардор кишиларни «02» орқали энг яқин милиция идораларига хабар беришни сўраймиз.